



## AKTUAR MOLIYA VA BUXGALTERIYA HISOBI ILMIY JURNALI

Vol. 4 Issue 06 | pp. 87-90 | ISSN: 2181-1865

Available online <https://finance.tsue.uz/index.php/afa>

### РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР СОҲАСИДА БАНД ХОДИМЛАР ВА УЛАРНИ МОДДИЙ МАНФААТДОРЛИГИ ТАҲЛИЛИ



**Хаккулов Элдар Худойбердиевич**

Бухоро муҳандислик технология  
институту таянч докторант

**Аннотация.** Ушбу мақолада рақамли технологиялар соҳасида банд ходимлар ва уларни моддий манфаатдорлиги масаласи кўриб чиқилган. Мақолада рақамли технологияларини ривожланиши, мамлакатимиз ва соҳада банд бўлган ходимлар сони ва мамлакатимизда ўртача иш ҳақи ҳамда соҳадаги ўртача иш ҳақи таҳлили амалга оширилган.

**Калит сўзлар.** рақамли технологиялар, миллий иқтисодиёт, ўртача иш ҳақи, ходимлар, замонавий технологиялар, электрон ҳукумат, телекоммуникация инфратузилмаси.

### ANALYSIS OF EMPLOYEES AND THEIR MATERIAL INTEREST IN THE FIELD OF DIGITAL TECHNOLOGIES

**Khakkulov Eldar Khudoyberdievich**

doctoral student of Bukhara  
engineering technology institute

**Abstract.** This article examines the issue of digital workers and their financial interests. The article analyzes the development of digital technologies, the number of employees in our country and the industry, as well as the average salary in our country and the average salary in the industry.

**Keywords.** digital technologies, national economy, average wages, employees, modern technologies, e-government, telecommunications infrastructure.

2016 йилдан Янги Ўзбекистон иқтисодиётида рақамли технологияларнинг роли сезиларли даражада ўсди. Бу эса рақамли трансформациянинг, айниқса, ривожланаётган мамлакатлар, жумладан, Ўзбекистон учун муҳимлигини кўрсатиб келмоқда.

Ҳақиқатан ҳам, рақамли трансформация жамиятни янада модернизация қилиш ва миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш салоҳиятига эга. Шу нуқтаи назардан, амалга оширилаётган ислохотлар, шунингдек, Янги

Ўзбекистоннинг келгуси беш йилга мўлжалланган Тараққиёт стратегияси доирасида барча асосий соҳаларни рақамлаштириш ҳамда мамлакатда ҳақиқий ахборот жамиятини барпо этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги хабарига кўра 2024 йилнинг 1 январь ҳолатига меҳнат ресурслари сони 19 миллион 724 минг 900 кишини ташкил этиб, 2023 йилнинг шу даврига нисбатан 207 минг 400 кишига (1,1 фоизга) ошган. Иқтисодиёт тармоқларида банд бўлганлар сони 2022 йилнинг 1 январь ҳолатида 13,5 млн кишини ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 2,3 фоизга (299,3 минг кишига) ошган. 2023 йил якунига кўра Ўзбекистонда жами иш билан банд бўлган аҳоли сони 312 минг кишига ёки ўтган йилга нисбатан 2,3 фоизга ошди.

Рақамли технологиялар соҳасида фаолият юритувчи ходимлари сони 2020 йил якунлари бўйича 50 157 нафарни ташкил этган. Бу кўрсаткич 2023 йилга келиб 71 627 нафарни ташкил этган. Қуйидаги жадвалда 2020-2023 йилларда рақамли технологиялар секторида ишловчи ходимлар таҳлили келтирилган.

### 1.1-жадвал

#### Рақамли технологиялар соҳасида ишловчи ходимлари сони, киши

Кўрсаткич номи	2020	2021	2022	2023
Ўзбекистон Республикаси	50 157	53 782	60 462	71 627
Тошкент шаҳри	30 142	34 687	40 964	50 596
Тошкент вилояти	2 713	2 727	2 793	3 048
Фарғона вилояти	2 661	2 212	2 430	2 605
Самарқанд вилояти	1 871	1 973	1 973	2 538
Бухоро вилояти	1 770	1 801	1 979	1 826
Андижон вилояти	1 702	1 441	1 708	1 582
Хоразм вилояти	1 205	1 186	1 304	1 469
Наманган вилояти	1 491	1 538	1 511	1 458
Қашқадарё вилояти	1 052	1 243	1 248	1 407
Қорақалпоғистон Республикаси	1 302	1 222	1 124	1 394
Сурхондарё вилояти	1 031	1 007	1 073	1 067
Навоий вилояти	1 328	1 247	1 040	1 031
Сирдарё вилояти	776	666	718	934
Жиззах вилояти	1 113	832	597	672

Таҳлиллар натижаларига кўра, 2023 йилда Республикамиз бўйича рақамли технологиялар секторида ишловчи ходимлар сони жами 71 627 нафарни ташкил этиб шундан энг юқори кўрсаткич Тошкент шаҳри 50 596 нафар (71%), Тошкент вилояти 3 048 нафар (4%), Фарғона вилояти 2 605 (3,5%)ларга тегишли бўлган. Келтирилган кўрсаткичи юқори бўлган ҳудудларда рақамли технологиялар соҳасида ишловчи ходимларининг жами сонини 79,5% ташкил қилади. Демак бундан кўришимиз мумкинки ушбу ҳудудларда рақамли технологиялар соҳасида

ишловчи ходимларнинг асосий қисми жойлашган экан. Бухоро вилоятида рақамли технологиялар соҳасида банд бўлган ходимлар улуши 3% ташкил этмоқда.

Рақамли технологиялар соҳасида ишловчи ходимлар улуши кам бўлган ҳудудлар қуйидагилар, Навоий вилояти 1 031 (1,4%), Сирдарё вилояти 934 (1,3%), Жиззах вилояти 672 (0,9%). Рақамли технологиялар соҳасида ишловчи ходимлар сонини камлиги ушуб ҳудудларда иқтисодиёт тармоқлари ва давлат бошқаруви тизимига замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этиш ва телекоммуникация тармоқларини кенгайтириш орқали республика иқтисодиётининг рақобатбардошлигини янада ошириш, рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни янада ривожлантириш бўйича белгиланган вазифаларни сифатли ва ўз вақтида бажарилишини таъминлаш имкониятини бермайди.

Яна бир кўрсаткич бу соҳани ривожлантириш ва модернизация қилиш мақсадида соҳага малака кадрларни кенг жалб этиш ҳисобланади. 2023 йил якунларга кўра Бухоро (-153), Андижон (-126) ва Наманган (-53) вилоятларида ходимлар сони камайиши кузатилган.

Рақамли технологиялар соҳаси мутахассисларига бўлган талаб йилдан йилга ортиб боришини сабаби сифатида нафақат бизнес, балки давлат фаолияти ҳам мазкур технологияларга қаттиқ боғланганлиги, Бугунги кунда деярли ҳар бир компания дастурий таъминот орқали ишлаши сабабли, уларнинг барчаси технологик компаниялар сирасига киритилади.

Дастурчилар ҳар бир соҳада қўлланиладиган маълумотлар таҳлилдан тортиб, то ҳар қандай бозорни такомиллаштириши мумкин бўлган сунъий интеллектгача бўлган ҳар ишда керак.

Мутахассисларнинг етишмаслиги бизнес, иқтисодиёт, давлат ва турмуш тарзини тўхтатиб қўяди. Янги технологиялар тез-тез пайдо бўлади, аммо уларни ўзлаштиришга мутахассислар етишмовчилиги халақит қилмоқда.

Рақамли технологиялар соҳаси мутахассислари учун меҳнатга тўланадиган ҳақнинг камлиги ва деярли меҳнатга ҳақ тўлаш шаклида қўшимча иш ҳақи ёки рағбатлантириш йўқлиги сабабли давлат ташкилотларидаги кадрларнинг хусусий секторга ўтиб кетиши ҳамда чет эл мамлакатларига ишлаш мақсадида миграция қилишига сабаб бўлмоқда.

Халқаро иш ҳақи тадқиқот платформаси <https://www.paylab.com/> маълумотларига кўра, меҳнатга ҳақ тўлашнинг дунё миқёсида юқори кўрсаткичлари бири рақамли технологиялар сектори эканлиги ҳамда бугунги кунда рақамли технологиялар соҳасига бўлган эътибор натижасида меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича харажатлар бир неча мартага ошганлиги тўғрисида маълумот бериб ўтган.

Ўзбекистон Республикаси Президент ҳузуридаги Статистика агентлиги ахборотиغا кўра 2023 йилда номинал ўртача ойлик иш ҳақи 4 551 000 минг сўмни ташкил этди. 2022 йилнинг шу даврига нисбатан бу кўрсаткич 17,2 фоизга ошган. Энг юқори маош Тошкент шаҳрида (7 миллион 453 минг сўм) қайд этилган. 2023 йилда фаолият турлари бўйича энг юқори ўртача иш ҳақи молия ва суғурта соҳаларига тўғри келади, гарчи у ерда ўсиш суръати пасайган бўлса ҳам (30 фоиздан 23,1 фоизгача), 10,8 миллион сўмдан 13,3 миллион сўмгача ошган. Ахборот ва коммуникациялар соҳаси тез суръатларда 40,3 фоизга -10,6 миллион сўм,

транспорт ва сақлаш соҳаси -6,94 миллион сўм (+36,5 фоиз), саноат -5,6 миллион сўмга (+14,2 фоиз) ўсди.

1.2-жадвалда Ўзбекистоннинг ҳудудлар кесимида рақамли технологиялар соҳасида фаолият юритувчи ходимларни ўртача ойлик ҳақининг йиллар кесимида таҳлили келтирилган.

### 1.2-жадвал

#### Рақамли технологиялар соҳасида фаолият юритувчи ходимларни ўртача ойлик ҳақи, минг сўм

Кўрсаткич номи	2020	2021	2022	2023
Ўзбекистон Республикаси	4 390,5	5 577,2	7 560,8	10 596,0
Тошкент шаҳри	5 512,0	6 851,2	9 148,7	11 908,4
Бухоро вилояти	2 594,7	3 018,3	4 289,2	7 940,4
Фарғона вилояти	2 472,2	2 940,3	4 187,0	7 808,0
Хоразм вилояти	2 408,8	2 964,8	4 041,4	7 735,6
Қашқадарё вилояти	2 529,8	3 155,9	3 909,1	7 704,3
Жиззах вилояти	2 812,3	3 650,8	4 696,5	7 538,6
Андижон вилояти	2 278,0	2 824,2	3 713,6	7 527,8
Самарқанд вилояти	2 410,8	3 438,2	5 023,4	7 495,5
Сурхондарё вилояти	2 743,7	3 945,6	4 093,5	7 480,3
Сирдарё вилояти	2 460,1	2 926,0	3 938,8	7 415,2
Навоий вилояти	2 538,8	3 090,2	4 106,7	6 833,7
Тошкент вилояти	2 181,8	3 060,3	4 627,4	6 665,5
Қорақалпоғистон Республикаси	2 437,0	2 841,4	3 681,5	6 261,4
Наманган вилояти	2 427,4	2 945,9	3 675,3	5 818,8

Рақамли технологиялар соҳасида фаолият юритувчи ходимларни ўртача ойлик ҳақи таҳлилига кўра энг юқори иш ҳақи Тошкент шаҳри- 11 908,4 минг сўм, Бухоро вилояти- 7 940,4 минг сўм ва Фарғона вилояти 7 808,0 минг сўм бўлган. Соҳада энг паст иш ҳақи Наманган вилояти-5 818,8 минг сўмни ташкил этган. Аммо бу кўрсаткич республика бўйича ўртача иш ҳақининг 128% ташкил этмоқда.

Умумий ҳулоса қиладиган бўлсак, рақамли технологиялар соҳаси ривожлантишда давом этади ва бу соҳага киритиладиган инвестициялар энг рентабелли инвестициялар қаторида бўлади.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 26 февралдаги ПҚ-87-сон қарори. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)
2. <https://digital.uz/> - ўзбекистон республикаси рақамли технологиялар вазирлиги расмий веб сайти
3. Ўзбекистон Республикаси Президент ҳузуридаги Статистика агентлиги <https://stat.uz/>

Copyright: © 2024 by the authors. This work is licensed under a Creative Commons Attribution- 4.0 International License (CC - BY 4.0)

